ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.19.FM.01.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

СУЛТАНОВ БЕКЗОД МАҚСУД ЎҒЛИ

ГАЛИЛЕЙ ФАЗОСИДА СИРТЛАРНИ ГЕОМЕТРИК ХАРАКТЕРИСТИКАЛАРИ БЎЙИЧА ТИКЛАШ

01.01.04 – Геометрия ва топология

ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PHD) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2021 йил

УДК: 514.753.3+514.126

Физика-математика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по физико-математическим наукам

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on physical-mathematical sciences

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.19.FM.01.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

СУЛТАНОВ БЕКЗОД МАҚСУД ЎҒЛИ

ГАЛИЛЕЙ ФАЗОСИДА СИРТЛАРНИ ГЕОМЕТРИК ХАРАКТЕРИСТИКАЛАРИ БЎЙИЧА ТИКЛАШ

01.01.04 – Геометрия ва топология

ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PHD) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2021 йил

Физика-математика фанлари бўйича фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2018.2.PhD/FM226 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.ik-fizmat.nuu.uz) ва «Ziyonet» Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	**Артикбаев Абдуллаазиз** физика-математика фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	**Соколов Дмитрий Дмитриевич** физика-математика фанлари доктори, профессор
	Заитов Адилбек Атаханович физика-математика фанлари доктори, профессор
Етакчи ташкилот:	**“ММФИ” миллий тадкиқот ядро университети Тошкент шахридаги филиали**

Диссертация ҳимояси Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги DSc.3/30.12.2019.FM.01.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «29» апрель соат 15⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100174, Тошкент ш., Олмазор тумани, Университет кўчаси, 4-уй. Тел.: (+99878) 227-12-24, факс: (+99878) 246-53-21, 246-02-24, e-mail: nauka@nuu.uz).

Диссертация билан Ўзбекистон Миллий университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (19 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100174, Тошкент ш., Олмазор тумани, Университет кўчаси, 4-уй. Тел.: (+99878) 246-02-24).

Диссертация автореферати 2021 йил «19» апрель куни тарқатилди.
(2021 йил «19» апрел даги 2 рақамли реестр баённомаси).

А. Садуллаев
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси,
ф.-м.ф.д., академик

Н.К. Мамадалиев
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш илмий котиби,
ф.-м.ф.ф.д. (PhD)

Р.Б. Бешимов
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш ҳузуридаги илмий семинар
раиси, ф.-м.ф.д.

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон микёсида олиб борилаётган кўплаб илмий-амалий тадқиқотлар, аксарият ҳолларда вақт ва фазони боғловчи Галилей акслантириши масалаларини тадқиқ қилишга келтирилади. Галилей фазосида сиртларнинг геометрик характеристикаларини тадқиқ қилиш ва бу фазо ҳаракатида сақланадиган катталикларнинг маъносини Евклид фазоси нуқтаи назаридан аниқлаш муҳим аҳамиятга эга. Галилей фазосида сиртларнинг геометрик характеристикалари нисбийлик назарияси ва квант механикаси масалаларини ечишда муҳим рол ўйнайди. Шунинг учун Галилей фазосида сиртларнинг геометрик характеристикаларини топиш, Галилей фазоси алмаштириши ва сиртлар назарияси масалаларини ечиш геометрия ва топологияда катта аҳамиятга эга ҳисобланади.

Жаҳонда Галилей фазоси геометриясини тадқиқ қилиш, бу фазода "тўла" геометриянинг масалаларини ечиш ва псевдоевклид фазоларининг изотроп қисмида техник масалаларни аниқлаш бўйича илмий изланишлар олиб борилмоқда. Галилей фазосида сиртлар назариясини, сиртларнинг дифференциал характеристикаларини, Евклид фазосида Галилей алмаштиришининг геометрик маъносини тадқиқ қилиш муҳим аҳамият касб этмоқда. Бу борада, Галилей фазосида сирт нуқталарини таснифлаш, Галилей алмаштиришидаги геометрик инвариантларни аниқлаш, сиртларнинг изометрик бўлиш шартларини топиш, геометрик характеристикалар маълум бўлганида сиртни тиклаш ва бу фазода геометриянинг классик масалаларини қўйиш ва ечишга алоҳида эътибор берилмоқда.

Мамлакатимизда фундаментал фанларнинг илмий ва амалий татбиқига эга бўлган геометрия ва топологиянинг долзарб йўналишларига эътибор кучайтирилди. Жумладан, сўнгги йилларда Галилей фазосининг ҳаракати бўлган алмаштиришда сақланадиган катталиклар математиканинг бошқа бўлимларида қўлланилишига ҳамда берилган геометрик характеристикага эга бўлган сиртларнинг мавжудлиги ва ягоналиги масалаларини ечишга оид салмоқли натижаларга эришилди. "Функционал анализ, геометрия ва топология" фанларининг устувор йўналишлари бўйича халқаро стандартлар даражасида илмий тадқиқотлар олиб бориш асосий вазифалар ва фаолият йўналишлари этиб белгиланди[1]. Бу борада Галилей фазосида сиртнинг геометрик характеристикаларини топиш, Галилей фазоси ҳаракатининг Евклид фазоси нуқтаи назаридан геометрик маъносини аниқлаш, Галилей фазосида сиртлар назариясини ривожлантириш жиддий аҳамиятга эга бўлиб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2019 йил 9 июлдаги ПҚ-

[1] Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамаси 2017 йил 18 майдаги «Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг янгидан ташкил этилган илмий тадқиқот муассасалари фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги 292-сонли қарори.

4387-сон «Математика таълими ва фанларини янада ривожлантиришни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг В.И.Романовский номидаги Математика институти фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ва 2020 йил 7 майдаги ПҚ-4708-сон «Математика соҳасидаги таълим сифатини ошириш ва илмий тадқиқотларни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиши устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг IV. «Математика, механика ва информатика» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Галилей фазосининг геометрияси мажруҳ метрикага эга бўлган фазо геометриясини англатади. Галилей фазосига оид дастлабки ишлар ўтган асрнинг 50-йилларида пайдо бўлган, бу йўналишдаги дастлабки ишларнинг муаллифлари Р.Г.Бухараев, А.Э.Ҳатипов. Проектив метрикалар, мажруҳ ва мажруҳ бўлмаган метрикали фазоларнинг умумий назарияси О.Рошел ва Б.А.Розенфелднинг “Ноевклид фазолар” номли классик монографиясида берилган. А.Артикбаев ва Н.Е.Панкина биринчи бўлиб Галилей фазосида тўла геометрия масалаларини ҳал қилиш билан шуғулланганлар. А.И.Долгоревнинг ишлари Галилей текислиги ва фазоси геометриясининг аксиоматик қурилишига бағишланган. И.А.Долгоревнинг илмий ишлари Галилей фазосининг дифференциал геометриясига ва баъзи классик масалаларни ҳал қилишга оид. А.Артикбаев ва Д.Д.Соколовнинг монографияси Галилей фазосида “тўла” геометриянинг аниқ муаммоларини ўрганишга бағишланган.

Элазик шаҳри Фират университетида 1999 йил июн ойида туркий тилли мамлакатлар математикларининг биринчи симпозиуми бўлиб ўтди, унда А.Артикбаев ноевклид фазоларининг геометрияси ҳақида маъруза қилди ва бу фазоларда, жумладан Галилей фазосида баъзи муаммоларни айтиб ўтди. 2000 йилдан сўнг Галилей фазоси геометриясини кенг ўрганиш бошланди. Шу ўринда Фират университети профессори М.Э.Айдин ва унинг шогирдлари, шунингдек, Арлин университети профессори М.Деде (Туркия) ва унинг шогирдлари иши ҳақида алоҳида тўхталиб ўтиш мумкин. Кёнсан миллий университети (Жанубий Корея) профессори Д.В.Юннинг ноевклид фазолар геометриясига оид биринчи ишлари 2002 йилда пайдо бўлган. Ҳозирда унинг 102 та иши Scopus библиографик маълумотлар базасига киритилган бўлиб, уларнинг ярмидан кўпи Галилей фазосининг геометриясини ўрганишга бағишланган. Бундан ташқари, унинг шогирдларининг кўплаб ишлари мавжуд. П.Бансал, С.Моса, Б.Дивжак, А.Казан, З.М.Сипус, Т.Сахин, З.К.Юзбаси, А.Сариоглугил ишлари Галилей фазосида сиртлар назариясига бағишланган. Бу ишларда Галилей фазосининг дифференциал геометрияси ўрганилади. Шунингдек, айланма сиртлар, кўчирма сиртлар, минимал сиртлар ва эгрилиги ўзгармас бўлган сиртлар ҳамда қувурли сиртлар кўриб чиқилган. Э.К.Курбанов ишлари циклик сиртларнинг хоссаларига бағишланган. Галилей фазосининг сиртлар назариясини механика, физика ва иқтисодиётда қўллашга бағишланган кўплаб мақолалар мавжуд.

Ноевклид фазолар геометриясини ўрганишда баъзан устма-уст қўйилган фазо усулидан фойдаланилади, яъни ноевклид фазонинг координата системаси Евклид фазосининг координата системаси деб қаралади. Галилей фазосининг координата системаси Евклид системаси деб қаралса, изометрияга оид баъзи натижаларимиз А.С.Шариповнинг ишларида ўрганилган "кесимлари бўйича изометрик сиртлар" тушунчасининг умумлашмасидир. Сўнгги 20 йил ичида нокоммутатив алгебралар назарияси жадал ривожланмоқда. Бу Гейзенберг группасини ўрганиш билан боғлиқ. Гейзенберг группаси нокомутатив ва бу группаларнинг алгебраси нокоммутатив группалар алгебрасига тегишли. Галилей ҳаракатининг матрицаси нокоммутатив бўлганлиги учун Гейзенберг группасининг элементидир. Гейзенберг группасининг инвариантлари, яъни Галилей фазосининг ҳаракати гуруҳи учун В.И.Чилин ва К.А.Муминовларнинг ишларида ўрганилган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.

Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Миллий Университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг №МРУ-ОТ-9/2017 "Кўп ўлчовли комплекс анализ" мавзусидаги лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Галилей фазосида сиртлар назариясини таснифлаш ва сиртнинг геометрик характеристикалари билан боғлиқ "тўла" геометрия масалаларини ечишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

параболик нуқталарда сиртнинг геометрик хоссаларини тавсифлаш;

Галилей фазосида барча нуқталари параболик бўлган сиртни ёйилмасини аниқлаш;

Галилей фазоси сиртлари учун Евклид фазоси сирти изометриясининг аналогини қуриш;

Галилей фазоси ҳаракатининг геометрик маъносини Евклид фазоси нуқтаи назаридан аниқлаш;

Галилей фазосида берилган дифференциал характеристикаларга кўра сиртларни тиклаш масаласини ечиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Галилей фазосида сиртлар, сиртларнинг дифференциал характеристикалари, Галилей фазосининг ҳаракати олинган.

Тадқиқотнинг предмети сиртнинг мажруҳ метрикаси, сиртнинг нуқтаси атрофидаги соҳа, Галилей фазоси сиртларининг эгрилиги ва эгрилик дефектидан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот ишида дифференциал геометриянинг замонавий усуллари, дифференциал тенгламалар, функционал анализ ва топология усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

барча нуқталари параболик ёки махсус параболик нуқталар бўлган сиртнинг текисликдаги ёйилмалари бир-биридан фарқ қилиши исботланган;

Галилей фазоси ҳаракатининг Евклид фазоси нуқтаи назаридан геометрик маъноси очиб берилиб, Евклид фазоси сиртининг Гаусс эгрилиги Галилей фазосининг ҳаракати бўлган алмаштиришда инвариантлиги исботланган;

тўла эгрилик берилганида циклик сиртнинг мавжудлиги исботланган ҳамда Галилей фазосида сиртларнинг изометриклик ва тўла изометриклик шартлари аниқланган;

биринчи квадратик форманинг коэффициенти ва эгрилик дефекти берилганда сиртнинг мавжудлик ҳақидаги теорема исботланган.

Тадқиқотларнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Галилей фазоси сиртларининг хоссалари ва бу фазо ҳаракатининг геометрик маъноси Евклид фазосининг деформациясига мос келиши исботланган;

сиртнинг тўла эгрилиги силжишга нисбатан инвариантлигидан фойдаланиб, механиканинг мураккаб деформацияланиш масалалари ечилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги функционал анализ, дифференциал тенгламалар ва дифференциал геометриянинг усулларидан фойдаланилгани ҳамда олинган натижалар математик жиҳатдан тўғри исботланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқотнинг илмий аҳамияти Галилей фазода сирт нуқтасининг тўла тасъднифи, сирт ёйилмаси тушунчаси киритилганлиги, сиртларни изометриклик ва тўла изометриклик бўлишига доир теоремалар ва геометрик характеристикаларига кўра сиртларни мавжудлик масалаларига қўлланилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий ахамияти Галилей фазоси сиртларининг хоссалари ва бу фазонинг ҳаракати тадқиқ қилиниши, олинган натижаларни Евклид фазосида қўлланилганлиги ва айрим “тўла” геометрия масалаларининг ечими механика масалаларига қўлланилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Галилей фазосида сиртларни геометрик характеристикалари бўйича тиклаш бўйича олинган натижалар асосида:

Галилей фазосининг ҳаракати бўлган алмаштиришда Евклид фазоси сиртининг Гаусс эгрилиги сақланиши №ОТ-Ф4-64 «Бир жинслимас ғовак муҳитларда суюқлик сизиши ва моддалар кўчирилиши гидродинамик моделларини тузиш ва сонли тадқиқ этиш» мавзусидаги фундаментал илмий лойиҳада бир жинсли бўлмаган ғовак муҳитларда модданинг аномал ташилиш хусусиятларини аниқлаш учун тескари масалаларни ечишда қўлланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 6 ноябрдаги 89-03-4484-сон маълумотномаси). Натижада, модда узатиш муаммоларини дискретлашдан кейин секинлашадиган хусусиятларини аниқлаш ва ечимларни ҳисоблашнинг такомиллаштирилган иқтисодий алгоритимини яратиш имконини берган;

бош ва тўла эгриликлар формуласи ёрдамида олинган Галилей фазоси алмаштиришининг инвариантлари №ФА-Ф-4-004 «Мураккаб деформацияланиш жараёнлари таъсиридаги конструкцион материаллар эластик-пластик ҳолатининг тажрибавий ва назарий тадқиқи» мавзусидаги фундаментал илмий лойиҳада пластиклик назарияси муносабатларини учта векторнинг компланарлик шарти кўринишида текширишда ва Илюшин фазосида уч ўлчовли жараёнларни баҳолаш ва назорат қилишда қўлланилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясининг 2020 йил 9 декабрдаги 2/1255-2760-сон маълумотномаси). Натижада, қўндаланг изотропик муҳитларнинг сферик ва тензор қисмлари трансформацияларининг инвариантларини аниқлаш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 4 та халқаро ва 6 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Тадқиқот мавзуси бўйича жами 17 та илмий иш чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация комиссиясининг фалсафа доктори диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 7 та мақола, жумладан, 2 таси хорижий ва 5 таси республика журналларида нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш қисми, учта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган. Диссетациянинг ҳажми 89 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, мавзу бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи, муаммонинг ўрганилганлик даражаси келтирилган, тадқиқот мақсади, вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **"Галилей фазосидаги сиртлар"** номли биринчи бобида Галилей фазосидаги сиртлар назарияси, сиртнинг асосий геометрик характеристикалари ва Галилей фазосида кўрилаётган сиртлар синфи ҳақида маълумотлар берилган. Бундан ташқари, баъзи олинган натижалар учун далиллар тақдим этилган.

Уч ўлчовли аффин фазо A_3, координаталар боши $O(0,0,0)$ нуқтада бўлган $Oxyz$ аффин координаталар системаси ва $\{\vec{i},\vec{j},\vec{k}\}$ – бу фазонинг базис векторлари бўлсин.

Берилган $\vec{X}\{x_1, y_1, z_1\}$ ва $\vec{Y}\{x_2, y_2, z_2\}$ векторларнинг скаляр кўпайтмаси қуйидаги формула билан киритилсин

$$(\vec{X}\vec{Y}) = \begin{cases} x_1 x_2, если\ x_1 x_2 \neq 0, \\ y_1 y_2 + z_1 z_2, если\ x_1 x_2 = 0. \end{cases} \qquad (1)$$

1-таъриф. *$\vec{X}\{x_1, y_1, z_1\}$ ва $\vec{Y}\{x_2, y_2, z_2\}$ векторларнинг скаляр кўпайтмаси (1) формула билан аниқланган аффин фазо Галилей фазоси дейилади ва R_3^1 ёки $Г_3$ билан белгиланади.*

(1) скаляр кўпайтма мажруҳ скаляр кўпайтма дейилади. Мажруҳ скаляр кўпайтмаси псевдоевклид фазо векторларининг изотроплиги оқибатида пайдо бўлади.

1-тасдиқ. *Галилей фазоси $M(x, y, z, y, z) \subset {}^2R_5$ нинг қисм фазоси бўлади.*

Галилей фазосининг мажруҳ метрикаси Галилей фазосида ихтиёрий сиртни ўрганиш имконини бермайди. Шунинг учун, махсус таянч текисликларга эга бўлмаган сиртларни кўриб чиқамиз. Галилей фазосининг махсус таянч текисликларига эга бўлмаган сиртлар синфи етарли даражада бой эканлиги кўрсатилган.

2-тасдиқ. *Умумий ҳолатдаги Oxy текисликка бир қийматли проекцияланадиган (проекциялаш Oz ўқига параллел) қавариқ сиртлар махсус таянч текисликларга эга эмас.*

Проекциялаш соҳаси чегараланганида сирт соҳа чегарасининг нуқталарида махсус таянч текислигига эга бўлиши мумкин. Бу ҳолда таянч текислигига доир шартлар масала шартига нисбатан кўрсатилади.

Бизнинг тадқиқот, баъзи ҳолларда, чизиқли сиртлар билан боғлиқ. Галилей фазосида эса махсус текисликка тегишли ва унга тегишли бўлмаган тўғри чизиқлар мавжуд. Улардан биринчиси махсус тўғри чизиқлар, қолганлари эса умумий ҳолатдаги тўғри чизиқлар дейилади.

Шу сабабли чизиқли сиртларни ясовчилари ҳолатига боғлиқ равишда ўрганамиз.

Агар чизиқли сиртнинг ясовчиси R_3^1 да умумий ҳолатдаги тўғри чизиқ бўлса, у ҳолда сирт чизиқли сирт дейилади.

Қаралаётган F чизиқли сиртнинг ясовчиси махсус тўғри чизиқ, яъни ясовчиси ҳар доим махсус текисликда ётса, унда бу ҳол алоҳида кўриб чиқилади.

1-теорема. *F сирт циклик сиртдир.*

2-таъриф. *Чизиқли ясовчилари бир текисликка параллел бўлган чизиқли сирт Каталан сирти дейилади.*

Каталан сиртлар Евклид фазосида ўрганилган. Биз эса уларни Галилей фазосида ўрганамиз.

Бизга Евклид фазосидаги K – Каталан сирти берилган бўлсин.

2-теорема. *K – Каталан сиртини ҳамиша R_3^1 Галилей фазосининг циклик сирти сифатида қараш мумкин.*

Диссертациянинг **“R_3^1 да эгиш ва изометрия”** номли иккинчи бобида сиртни параболик нуқта атрофида ўрганиш, сиртларнинг ёйилмаси, сиртларнинг изометрияси ва махсус R_3^1 ҳаракатнинг айрим хусусиятлари ҳақида маълумот берилган.

Биринчи бўлимда Галилей фазосида сиртнинг параболик нуқталарини ўрганиш натижалари келтирилган бўлиб, у сиртнинг параболик нуқталарини унинг индикатрисага қараб ажратиш зарурлигини кўрсатди.

Галилей фазоси метрикасида изометрия тушунчаси Евклид фазосидаги изометриядан фарқ қилади. Бунинг асосий сабаби – масофа бошқача аниқланишида.

Ушбу $x = a,\ x = b$ махсус текисликлар сиртни мос равишда чап ва ўнг томонидан чегаралаган бўлсин.

3-таъриф. *Галилей фазосида* $[a,b]$ *интервални сиртнинг кенглиги деб атаймиз.*

4-таъриф. *Кенглиги тенг бўлган сиртларни яримизометрик сиртлар деб атаймиз.*

Шубҳасиз, яримизометрик сиртларнинг етарли даражада кенг синфи мавжуд.

5-таъриф. *Агар яримизометрик сиртларнинг мос махсус текисликлари кесимларидаги акслантириш изометрик бўлса, изометрик дейилади.*

Галилей фазосида сиртнинг ёйилмаси тушунчасини Евклид фазосига ўхшаш аниқлаймиз. Галилей фазоси метрикасининг хоссалари сиртдаги икки нуқта ва текисликдаги тегишли нуқталар орасидаги масофа бир хил тартибли ва тенг бўлишига, ҳамда сиртни текисликка ёйиш имконини беради.

6-таъриф. *Агар* $F \subset R_3^1$ *сиртнинг ҳар бир нуқталари ва* Oxy *текисликдаги* G *соҳа нуқталари орасида бир қийматли мослик мавжуд бўлиб, хар бир мос нуқталаридаги масофа биринчи тартибли ва тенг бўлса,* G *соҳа* F *сиртнинг* Oxy *текисликдаги ёйилмаси дейилади.*

Евклид фазосида фақат қавариқ кўпбурчаклар, цилиндрик сиртлар ва конуслар ёйилмага эга. Галилей фазосининг мажруҳ метрикаси кенгроқ сиртлар синфини ёйиш имконини беради.

3-теорема. *Кенглиги* $[a,b]$ *ва* Oxy *текисликка бир қийматли проекцияланувчи* $F \in R_3^1$ *сирт ёйилмаси* Oxy *текисликда* $a \le x \le b$ *оралиқда* G *соҳада бўлади.*

Евклид фазосида барча нуқталари параболик бўлган сирт цилиндр ёки конусдир. Галилей фазосидаги сиртлар ҳам шу хоссага эга.

А. Артикбаев $k_1 = a_{11} = 0$, $k_2 = a_{22} \ne 0$ шартлар бажарилганида, сирт нуқтасини параболик деб атайди. Бу ҳолда Галилей фазосидаги сирт индикатрисаси

$$Ny'^2 = \pm 1$$

шаклга эга.

Бундан ташқари, $k_1 = a_{11} \neq 0$, $k_2 = a_{22} = 0$ ва $M = 0$ ҳолни кўриш мумкин. У ҳолда сирт индикатрисаси

$$Lx'^2 = \pm 1$$

шаклга эга.

Сиртнинг бу икки эҳтимолий параболик нуқталари турли геометрик кўринишига эга бўлиб, уринма текислиги ҳаракатида уларни бир-бирига ўтказиб бўлмайди. Шунинг учун бу ҳолатларни алоҳида-алоҳида кўриб чиқиш, яъни уларни ҳар хил деб ҳисоблаш зарур.

Биринчи ҳолда, $k_1 = a_{11} = 0$, $k_2 = a_{22} \neq 0$ бўлганида сиртнинг нуқтасини махсус параболик нуқта деб атаймиз. Иккинчи ҳолда, $k_1 = a_{11} \neq 0$, $k_2 = a_{22} = 0$ ва $M = 0$ бўлганида сиртнинг нуқтасини параболик нуқта деб атаймиз.

Параболик нуқта атрофи ва махсус параболик нуқта атрофининг геометрияси бир-биридан фарқли бўлади.

Иккинчи бўлимда умумий ҳолатдаги текисликка бир кийматли проекцияланадиган сирт ёйилмаси кўрсатилган.

7-таъриф. *Ҳамма нуқталари параболик (махсус параболик) бўлган сирт параболик (махсус параболик) дейилади.*

1-лемма. *Агар цилиндрнинг йўналтирувчи чизиғи махсус текисликдаги чизиқ бўлса, цилиндр махсус параболик сиртдир.*

Ясовчилари махсус текисликка параллел бўлган цилиндр параболик сиртдир.

Диссертацияда конус сиртларнинг уч хили ўрганилади. Бу уч хил конус сиртининг махсус текисликка нисбатан уч хил жойлашишга мос келади. Биринчи ҳолда махсус текислик конуснинг S учидан ўтувчи таянч текислиги бўлади. Иккинчи ҳолда S учидан ўтувчи махсус текислик уни иккита ясовчиси бўйлаб кесишади. Ниҳоят, учинчи ҳолатда махсус текислик конуснинг уринмаси бўлади.

2-лемма. *Конуснинг нуқталари махсус параболикдир.*

Умумий ҳолатдаги текисликда юқорида белгиланган уч турдаги конусларнинг ёйилмаси берилган.

Галилей фазосида ёйилма тушунчаси умумий ҳолат текислигига бир қийматли проекцияланадиган ҳар қандай сиртлар учун умумлаштирилиши мумкин.

Айтайлик, D-соҳа Oxy умумий текисликдаги соҳа бўлсин, шу билан бирга $D = \{(x, y) \in R_2^1 : a \leq x \leq b; \varphi_1(x) \leq y \leq \varphi_2(x)\}$, бу ерда $\varphi_1(x), \varphi_2(x)$ – $[a,b]$ да узлуксиз функциялар. Ушбу $F : z = f(x, y)$ $(x, y) \in D$ сиртни кўрайлик, бунда сиртнинг чегараси D соҳа чегарасига бир кийматли проекциялансин.

4-теорема. *Берилган $F : z = f(x, y)$ сирт Oxy текислигидаги ёйилмаси $G = \{(x, y) \in R_2^1 : a \leq x \leq b; 0 \leq y \leq \int_{\varphi_1}^{\varphi_2} \sqrt{1 + f_y^2(x, y)} dy\}$ соҳа бўлади.*

Учинчи бўлимда изометрик ва тўла изометрик сиртлар ўрганилди, Галилей фазоси сиртларнинг изометрик ва тўла изометрик бўлиш шартлари исботланиб, Галилей фазосидаги регуляр сирт нуқталарининг таснифи берилди.

Тадқиқотимиз натижаси бўлган R_3^1 Галилей фазосидаги сирт нуқталарининг таснифини келтирамиз:

1) агар $K = a_{11} \cdot a_{22} > 0$ бўлса, индикатриса эллипс бўлиб, A нуқта эллиптик нуқта дейилади;

2) агар $K = a_{11} \cdot a_{22} < 0$ бўлса, индикатриса қўшма гипербола бўлиб, A нуқта гиперболик нуқта дейилади;

3) агар $k_2 = a_{22} = 0$ ва $K = -M^2 < 0$ бўлса, индикатриса асимптоталари координата ўқлари бўлган гипербола бўлиб, A нуқта циклик нуқта дейилади;

4) агар $K = a_{11} \cdot a_{22} = 0$, $k_2 = a_{22} \neq 0$ ва $k_1 = a_{11} = 0$ бўлса индикатриса иккита умумий ҳолдаги параллел тўғри чизиқ бўлиб, A нуқта махсус параболик нуқта дейилади;

5) агар $K = a_{11} \cdot a_{22} = 0$, $k_2 = a_{22} = 0$, $k_1 = a_{11} \neq 0$ ва $M = 0$ бўлса, индикатриса Oy ўкига параллел бўлган иккита параллел тўғри чизиқдан иборат бўлиб, A нуқта параболик нуқта дейилади.

8-таъриф. *Мос нуқтадаги эгрилик дефектлари тенг бўлган изометрик сиртлар тўла изометрик дейилади.*

Бизга Галилей фазоси сиртининг Кристоффел символлари $\Gamma_{11}^2, \Gamma_{12}^2, \Gamma_{22}^2$ берилган бўлсин. Изометрик сиртларнинг қуйидаги хоссалари исботланган.

3-лемма. *Агар R_3^1 да F сиртнинг Кристоффел символлари бўлган $\mathrm{X}(u,v), \mathrm{H}(u,v)$ дифференциалланувчи функция берилган бўлса, F сиртнинг биринчи квадратик формаси коэффициентини топиш мумкин.*

5-теорема. $\Gamma_{12}^2, \Gamma_{22}^2$ *коэффициентлари тенг бўлган сиртлар изометрикдир.*

6-теорема. $\Gamma_{11}^2, \Gamma_{12}^2, \Gamma_{22}^2$ *коэффициентлари тенг бўлган сиртлар тўла изометрикдир.*

Тўртинчи бўлимда Галилей фазосининг ҳаракати текширилиб, Галилей фазосининг ҳаракатига Евклид фазосининг деформацияси мос келиши исботланган.

Галилей фазоси R_3^1 да ҳаракат қуйидаги кўринишга эга

$$\begin{cases} x' = x + a, \\ y' = h_1 x + y\cos\varphi + z\sin\varphi + b, \\ z' = h_2 x - y\sin\varphi + z\cos\varphi + c, \end{cases}$$

у учта акслантиришдан иборат бўлиб, булар $\{a,b,c\}$ векторга параллел кўчириш, Ox ўқ атрофида φ бурчакка буриш

$$\begin{cases} x' = x, \\ y' = 0 + y\cos\varphi + z\sin\varphi, \\ z' = 0 - y\sin\varphi + z\cos\varphi, \end{cases}$$

шунингдек, махсус $\{0, h_1, h_2\}$ вектор бўйича сирпаниш

$$\begin{cases} x' = x, \\ y' = h_1 x + y, \\ z' = h_2 x + z. \end{cases}$$

Алмаштиришнинг дастлабки иккитаси, яъни параллел кўчириш ва Ox ўқ атрофида буриш R_3 Евклид фазосининг мос алмаштиришларига ўхшаш бўлади. Учинчи алмаштириш кўпроқ қизиқиш уйғотади.

4-лемма. *Галилей фазосининг ҳаракати* $\{j,k\}$ *векторларга параллел текисликни параллел текисликларга ўтказади.*

Бунда $\{h_1, h_2\}$ бурчакка сирпанишнинг Евклид фазосида аналоги мавжуд эмас. Бу сирпанишда координаталар текислиги Oyz ўзгармайди. Бошқа $x = x_0$ махсус текисликлар $\vec{V}\{0;\, h_1 x_0;\, h_2 x_0\}$ векторга параллел кўчирилади. Ҳар бир $x = x_0$ махсус текислик ўз-ўзида сирпанади ва сирпаниш миқдори унинг координаталар бошидан четланишига пропорционал бўлади.

Агар R_3^1 Галилей фазосида радиуси R Евклид сфераси кўриб чиқилса, сирпанганидан сўнг у

$$(1 + h_1^2 + h_2^2)x^2 + y^2 + z^2 + 2h_1 xy + 2h_2 xz = R^2$$

тенглама билан берилган эллипсоидга айланади.

Ушбу ҳолда $x = \pm R$ махсус текисликлар бу эллипсоиднинг уринмалари ва уриниш нуқталари мос равишда $\{\pm R; \pm h_1 R; \pm h_2 R\}$ координаталарга эга бўлади.

Аммо Евклид фазосидаги буришда, маркази координата бошида бўлган сфера ўзига, яъни сфера ўз-ўзига ўтади.

Галилей фазосининг сфераси ҳам шунга ўхшаш хоссага эга.

5-лемма. *Буриш ва Галилей фазоси сирпанишда координата бошида бўлган Галилей фазоси сферасининг ўзига ўтади.*

Диссертациянинг **“R_3^1 да тиклаш масаласи”** деб номланган учинчи бобида иккинчи тартибли чизиқларнинг R_2^1 ҳаракатида сақланадиган хоссалари, R_3^1 ҳаракатда сиртнинг тўла эгрилиги сақланиши, шунингдек, берилган тўла эгрилик ва эгрилик дефектига эга бўлган сиртнинг мавжудлиги ўрганилган.

“Тўла” геометрияда тиклаш масаласи деб берилган геометрик характеристикага эга бўлган сиртнинг мавжудлиги ва ягоналиги масаласини ечиш тушунилади. Геометрик характеристикалар сирт юзаси, Гаусс эгрилиги, тўла эгрилик, ўрта эгрилик, деривацион формулаларнинг коэффициентлари, сиртнинг биринчи ёки иккинчи квадратик формаси бўлиши мумкин. Кўпинча бу геометрик миқдорлар дифференциал формулалар билан боғлиқ бўлиб, тегишли дифференциал тенгламаларнинг ечимлари бўлади.

Ушбу йўналишда олинган натижалар баёнига ўтайлик. Бобнинг дастлабки 3.1 ва 3.2-қисми Евклид фазосидаги сиртнинг геометрик характеристикаларининг сақланишига бағишланган.

Биринчи бўлимда Галилей текислигининг буришида иккинчи тартибли чизиқларнинг инвариантларини ўрганамиз.

Иккинчи тартибли эгри чизиқларнинг ушбу

$$\begin{cases} x' = x, \\ y' = y - \dfrac{h}{a}x, \end{cases} \qquad (2)$$

чизиқли алмаштиришдаги инвариантларини ўрганамиз.

3-тасдиқ. *(2) чизиқли алмаштиришда эллипснинг* $(0,b)$ *ва* $(0,-b)$ *учи ўзгармасдан, қолган барча* $x = x_0 \neq 0$ *абцисса нуқталарда* Oy *ўқига параллел* $\dfrac{h}{a}x_0$ *масофага сирпанади (1- расмга қаранг).*

7-теорема. *(2) чизиқли алмаштиришда эллипс учун*

$$\frac{1}{(OM)^2}\cdot\frac{1}{(ON)^2} = \frac{1}{(OM^*)^2}\cdot\frac{1}{(ON^*)^2} = \frac{1}{a^2b^2}$$

тенглик ўринли.



1-расм. Эллипсни сирпантириш

Гипербола инвариантлари ҳам аниқланган.

8-теорема. *(2) чизиқли алмаштиришда гипербола учун*

$$\frac{1}{(OM)^2}\cdot\frac{1}{(ON)^2} = \frac{1}{(OM^*)^2}\cdot\frac{1}{(ON^*)^2} = \frac{1}{a^2b^2}$$

тенглик ўринли.

Ушбу тенглама билан берилган гипербола

$$y = \frac{a}{x},$$

(2) чизиқли алмаштиришда алоҳида қаралади.

9-теорема. *(2) чизиқли алмаштиришда гипербола учун*

$$\frac{1}{(OM)^2}\cdot\frac{1}{(ON)^2} = \frac{1}{(OM^*)^2}\cdot\frac{1}{(ON^*)^2} = \left|\frac{1}{4a^2}\right|$$

тенглик ўринли.

Иккинчи бўлимда Галилей координаталар системаси буриши бўладиган фазовий алмаштиришда сиртнинг Гаусс эгрилиги инвариантлиги исботланди, шунингдек Галилей фазоси буртриши бўладиган чизиқли алмаштиришда юзанинг сақланиши исботланган.

Ноевклид фазолар геометриясини ўрганишда “устма-уст қўйилган фазо усули” мавжуд. Бу усул уч ўлчовли ноевклид фазонинг координаталар системасини Евклид фазосининг координаталар системаси деб ҳисоблашдан иборат. Бу ҳолда кўриб чиқилаётган геометрик шакл бир вақтнинг ўзида иккита геометрияда ўрганилади.

Айтайлик, F сирт $Oxyz$ Галилей фазо координаталар системасида берилган бўлсин, шунингдек $O \in F$. Шу сиртни R_3 да ҳам кўриб чиқамиз.

Регуляр сиртда $O \in F$ нуқтани ва Oxy текисликда h бурчакка буриш мавжуд бўлган Галилей буришидан иборат R_3^1 фазонинг ҳаракатини кўриб чиқайлик.

Бу холда R_3^1 фазо махсус текислиги Oy ўқи йўналишида h Галилей бурчакка сирпанади, бу координата қуйидаги шаклга эга

$$\begin{cases} x' = x, \\ y' = hx + y, \\ z' = z, \end{cases} \qquad (3)$$

Oz ўқ ҳолати ўзгармагани учун, Ox координата ўқи Oxy текисликда h бурчакка бурилади.

Фараз қилайлик, F қавариқ сиртнинг O нуқтасидаги Π-уринма текислиги Oxy текисликка мос келсин. Эгрилик индикатрисаси иккинчи тартибли чизиқ сифатида берилган.

10-теорема. *(3) чизиқли алмаштиришда регуляр сиртнинг тўла (Гаусс) эгрилиги ўзгармайди.*

Худди шунингдек, сиртнинг нуқталари гиперболик ва циклик бўлган ҳолларда ҳам теорема ўринли бўлади.

Ушбу теоремалар натижасида Галилей фазоси буришида, бу Евклид фазосида деформация бўлади, Евклид фазоси сиртининг тўла эгрилиги ўзгармайди деган тасдиққа келиш мумкин.

Бу бўлимда олинган натижалар аналитик, яъни сиртнинг Гаусс эгрилигини бевосита ҳисоблаш йўли билан исботланган.

Аналитик исбот натижасида қуйидагилар исботланган.

11-теорема. *(3) чизиқли алмаштиришда регуляр сирт соҳасининг юзи ўзгармайди.*

Учинчи бўлимда фазонинг берилган икки эгри чизиқ устида қурилган циклик сирт мавжудлигини исботланган. Тўла текисликда аниқланган тўла эгрилиги билан берилган тўла циклик сиртнинг мавжудлиги исботланган, шунингдек биринчи квадратик форма, дефект ва иккинчи квадратик формаларнинг коэффициентлари билан берилган сиртнинг мавжудлиги исботланган.

R_3^1 Галилей фазосида иккита кесишмайдиган l_1 ва l_2 чизиқлар вектор тенгламаси билан берилган бўлсин:

$$l_1: \ \vec{r}_1(u) = ui + y_1(u)j + z_1(u)k;$$
$$l_2: \ \vec{r}_2(u) = ui + y_2(u)j + z_2(u)k.$$

12-теорема. R_3^1 *Галилей фазосида ясовчилари* l_1 *ва* l_2 *чизиқлар нуқталари орқали ўтувчи ягона циклик сирт мавжуд.*

Тўла циклик сиртнинг мавжудлик теоремаси исботланган.

13-теорема. *Галилей фазосида тўла эгрилиги берилган*

$$-(\varphi(x,y))^2 \in C(D), \qquad K = -\varphi^2(x,y)$$

функция бўлган циклик сирт ҳар доим мавжуд.

Биринчи квадратик шакл ва мусбат тўла эгриликнинг берилиши Евклид фазосида қавариқ сиртни аниқлаш учун етарли. Лекин Галилей фазосида биринчи квадратик шаклнинг берилиши сирт шу фазода изометрик эканлигини билдиради. Бундан ташқари, Галилей фазосида тўла изометриклик мавжуд.

Сиртларни ягона аниқлаш учун уларнинг тўла изометриклик шарти етарли экан. Бу учинчи бобнинг учинчи бўлимида олинган 14-теоремадан келиб чиқади.

Айтайлик, Oxy текисликка бир қийматли проекцияланадиган, $C^2(\pi)$ тегишли $W(\pi)$ сирт $z = z(x,y)$ тенглама билан берилган бўлсин.

14-теорема. *Агар текисликда аниқланган* $\varphi(x,y) > 1$ *ва* $\mu(x,y)$ *функциялар берилса, биринчи квадратик шакли* $\varphi(x,y)$ *ва эгрилик дефекти* $\mu(x,y)$ *га тенг бўлган* $W(\pi)$ *га тегишли сирт мавжуд.*

Евклид фазосидаги Бонне теоремасининг аналоги R_3^1 да қуйидаги теорема бўлади.

15-теорема. *Агар текисликнинг* Q *-бир боғламли соҳасида*

$$\begin{cases} L_v - M_u = \Gamma_{12}^2 M - \Gamma_{11}^2 N, \\ N_u - M_v = \Gamma_{12}^2 N - \Gamma_{22}^2 M, \end{cases}$$

$$K = \frac{LN - M^2}{G} = \frac{1}{\sqrt{G}}\left(\frac{D}{\sqrt{G}}\right)_v - \frac{1}{\sqrt{G}}\frac{\partial^2 \sqrt{G}}{du^2},$$

тенгликни қаноатлантирувчи C^1 *– га тегишли*

$$G = G(u,v) \geq 0, \ D = D(u,v) \geq 0, \ L = L(u,v), \ M = M(u,v), \ N = N(u,v)$$

функциялар берилган бўлса, у ҳолда қуйидаги

$$
\begin{cases}
y_v^{\ 2} + z_v^2 = G, \\
y_{uu} = Dy_v - \dfrac{L}{\sqrt{G}} z_v, \\
z_{uu} = Dz_v + \dfrac{L}{\sqrt{G}} y_v, \\
y_{uv} = \dfrac{G_u}{2G} y_v - \dfrac{M}{\sqrt{G}} z_v, \\
z_{uv} = \dfrac{G_u}{2G} z_v + \dfrac{M}{\sqrt{G}} y_v, \\
y_{vv} = \dfrac{G_v}{2G} y_v - \dfrac{N}{\sqrt{G}} z_v, \\
z_{vv} = \dfrac{G_v}{2G} z_v + \dfrac{N}{\sqrt{G}} y_v,
\end{cases}
$$

бошланғич шартлар

$$
\begin{aligned}
&\vec{r}(u_0, v_0) = \vec{a}(a_1, a_2), \\
&\vec{r}_u(u_0, v_0) = \vec{b}(b_1, b_2), \\
&\vec{r}_v(u_0, v_0) = \vec{c}(c_1, c_2), \ \| c \| = \sqrt{G(u_0, v_0)},
\end{aligned}
$$

билан берилган дифференциал тенгламалар системасининг ечими бўладиган Q *соҳада ягона* $r(u,v) = (u, y(u,v), z(u,v))$ *функция мавжуд.*

Галилей фазоси сиртларининг геометриясини ўрганиш ўз-ўзидан қизиқарли, янги тадқиқот бўлиб, бундан ташқари тадқиқот натижаларини Евклид фазосида кўриб чиқиш мумкин. Бундай ёндашув Евклид фазосида баъзи янги натижаларни беради. Евклид фазоси учун ошкора бўлмаган янгича муаммоларни қўйиш имкони пайдо бўлади.

ХУЛОСА

Ушбу диссертация иши яримевклид фазосига тегишли Галилей фазоси геометриясини хамда Евклид фазосидан тубдан фарқ қилувчи ва текисликдаги механика назарияси инвариантларини ифодаловчи метрика хоссаларини тадқиқ этишга бағишланган.

Татқиқотнинг асосий натижалари қуйидагилардан иборат:

1. Галилей фазоси псевдоевклид фазосининг қисм фазоси эканлиги исботланган.
2. Параболик ва махсус параболик нуқталар аниқланган сирт нуқталари таснифи берилган.
3. Галилей фазосидаги сиртнинг изометрияси ўрганилиб, сиртларнинг изометриклик ва тўла изометриклик шартлари аниқланди.
4. Галилей фазоси ҳаракати бўлган деформацияда Евклид фазоси сиртининг Гаусс эгрилиги сақланишини исботланган.
5. Биринчи квадратик форма коэффициенти ва эгрилик дефекти берилганда сиртнинг мавжудлиги исботланган.
6. Бонне теоремасининг аналоги исботланган.

НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.03/30.12.19.FM.01.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ НАЦИОНАЛЬНОМ УНИВЕРСИТЕТЕ УЗБЕКИСТАНА

НАЦИОНАЛЬНЫЙ УНИВЕРСИТЕТ УЗБЕКИСТАНА

СУЛТАНОВ БЕКЗОД МАКСУД УГЛИ

ВОССТАНОВЛЕНИЕ ПОВЕРХНОСТИ ПО ГЕОМЕТРИЧЕСКИМ ХАРАКТЕРИСТИКАМ В ГАЛИЛЕЕВОМ ПРОСТРАНСТВЕ

01.01.04 – Геометрия и топология

АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО ФИЗИКО-МАТЕМАТИЧЕСКИМ НАУКАМ

Ташкент – 2021 год

Тема диссертации доктора философии (Doctor of Philosophy) по физико-математическим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за B2018.2.PhD/FM226.

Диссертация выполнена в Национальном Университете Узбекистана имени Мирзо Улугбека.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (www.ik-fizmat@nuu.uz) и на Информационно-образовательном портале «Ziyonet» (www.ziyonet.uz).

Научный руководитель:	**Артикбаев Абдуллаазиз** доктор физико-математических наук, профессор
Официальные оппоненты:	**Соколов Дмитрий Дмитриевич** доктор физико-математических наук, профессор
	Заитов Адилбек Атаханович доктор физико-математических наук, профессор
Ведущая организация:	**Национальный исследовательский ядерный университет «МИФИ» филиал в городе Ташкенте.**

Защита диссертации состоится «29» апреля 2021 года в 15^{00} часов на заседании Научного совета DSc.03/30.12.2019.FM.01.01 при Национальном университете Узбекистана, института Математики. (Адрес: 100174, г. Ташкент, Алмазарский район, ул. Университетская, 4. Тел.: (+99871)227-12-24, факс: (+99871) 246-53-21, e-mail: nauka@nuu.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Национального университета Узбекистана (зарегистрирована за №19). (Адрес: 100174, г. Ташкент, Алмазарский район, ул. Университетская, 4. Тел.: (+99871) 246-02-24).

Автореферат диссертации разослан «19» 04 2021 года.
(протокол рассылки №2 от «19» 04 2021 года).

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI OLIY VA O'RTA MAXSUS TA'LIM VAZIRLIGI MIRZO ULUG'BEK NOMIDAGI O'ZBEKISTON MILLIY UNIVERSITETI

А. Садуллаев
Председатель научного совета по присуждению ученых степеней, д.ф.-м.н., академик

Н.К. Мамадалиев
Ученый секретарь научного совета по присуждению ученых степеней, д.ф.ф.-м.н. (PhD)

Р.Б. Бешимов
Председатель научного семинара при научном совете по присуждению ученых степеней, д.ф.-м.н.

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. Многочисленные научные и практические исследования, проводимые на мировом уровне, часто сводятся к изучению Галилеевых отображений, связывающих время и пространство. Представляется важным изучение геометрических характеристик поверхностей в Галилеевом пространстве и определение значений величин, сохраняющихся при движении этого пространства с точки зрения Евклидова пространства. Геометрические характеристики поверхностей в Галилеевом пространстве играют важную роль при решении задач теории относительности и квантовой механики. Поэтому нахождение геометрических характеристик поверхностей в Галилеевом пространстве, решения задач преобразований Галилеевого пространства и теории поверхностей имеют важное значение в геометрии и топологии.

В мире проводятся научные исследования по изучению геометрии Галилеевых пространств, особенно по решению задач геометрии «в целом» в этих пространствах и выявлению некоторых технических задач в изотропной части псевдоевклидовых пространств. Представляется важным изучение теории поверхностей в Галилеевом пространстве, дифференциальных характеристик поверхностей, геометрический смысл Галилеева преобразования в Евклидовом пространстве. В связи с этим особое внимание уделяется классификации точек поверхности в Галилеевом пространстве, определению геометрических инвариантов при Галилеевых преобразованиях, нахождению условий для изометричности поверхностей, восстановлению поверхности по известным геометрических характеристикам, а также постановке и решению классических задач геометрии в этом пространстве.

В нашей стране особое внимание уделяется актуальным аспектам геометрии и топологии, которые имеют научные и практические применения в фундаментальных науках. В частности, в последние годы значительные результаты были получены в практическом применении величин, сохраняющихся при преобразованиях Галилеева пространства, являющихся движениями, в других разделах математики, а также в решении задач существования и единственности поверхностей с заданными геометрическими характеристиками. Проведение исследований на уровне международных стандартов по приоритетным направлениям «Функциональный анализ, геометрия и топология» было определено как одно из фундаментальных исследований[2]. В связи с этим представляется важным нахождение геометрических характеристик поверхностей в Галилеевом пространстве, выяснение геометрического смысла движения Галилеева пространства с точки зрения Евклидова пространства, развитие теории поверхностей в Галилеевом пространстве.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит решению задач, указанных в Постановлениях Президента Республики

---

[2] Постановление Кабинета Министров Республики Узбекистан №292 от 18 мая 2017 года «О мерах по организации деятельности вновь созданных научно-исследовательских учреждений Академии наук Республики Узбекистан».

Узбекистан УП-4947 от 7 февраля 2017 года «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан», ПП-4387 от 9 июля 2019 года «О мерах государственной поддержки дальнейшего развития математического образования и науки, а также коренного совершенствования деятельности Института Математики имени В.И. Романовского Академии Наук Республики Узбекистан» и ПП-4708 от 7 мая 2020 года «О мерах по повышению качества образования и развитию научных исследований в области математики», а также в других нормативно-правовых актах, относящихся к данной области деятельности.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий в Республике Узбекистан IV. «Математика, механика и информатика».

Степень изученности проблемы. Геометрия Галилеева пространства относится к геометрии пространств с вырожденными метриками. Первые работы по Галилеевому пространству появились в 50-ые года прошлого века, авторами первых работ в этом направлении являются Р.Г.Бухараев, А.Э.Хатипов. Общая теория пространств с проективными метриками с вырожденной и невырожденной метрикой приведена в классической монографии «Неевклидовы пространства» Б.А.Розенфельда и О.Рошела. Первыми решением конкретных задач геометрии «в целом» в Галилеевом пространстве занимались А.Артикбаев и Н.Е.Панкина. Аксиоматическому построению геометрии Галилеевой плоскости и Галилеевого пространства посвящены работы А.И.Долгорева. Дифференциальной геометрии Галилеева пространства и решению некоторых классических задач посвящены работы И.А.Долгорева. Монография А.Артикбаева, Д.Д.Соколова посвящена изучению конкретных задач геометрии «в целом» Галилеева пространства.

